

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

Машарипова Гуларам Камиловнанинг

«Миллий маънавиятимизда ватанпарварлик тамойили» мавзусидаги

РЕФЕРАТ ИШИ

Бажарди: Машарипова Г.К.

Тошкент- 2015

Мундарижа:

1. Кириш.
2. Ёшлар маънавий камолоти- жамият тараққиётининг муҳим шарти
3. Ватан равнақи ғояси.
4. Ватан тақдири менинг тақдирим, Ватан келажаги менинг келажагим ғоясини халқимиз онгига сингдириш усуллари.
5. Космополитизм ва уни олдини олиш.
6. Хулоса.
7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Тарихга назар ташласак, сиёсий жиҳатдан озод ва эркин бўлган даврларда юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти гуллаб яшнаганини, аксинча, мустамлакачилик шароитларида чуқур инқирозларни бошидан кечир-ганини кўрамиз. Мустақиллик миллий кадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавиятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихорни, озод ва обод Ватан туйғуларини камол топтиришга замин яратмоқда.

Моддий оламда инсон муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради, шахс сифатида шаклланади. Ана шу макон Ватан саналади. Дилида Ватан туйғуси шаклланмаган, киндик қони тўкилган заминда меҳр туйғуси жўш урмаган кишини чинакам Инсон деб бўлмайди. Шу билан бирга, инсон бахт-саодат учун туғилади. У ана шу бахт-саодатга ўзи туғилиб ўсаётган Ватанида эришмоқни орзу қилади. Бу унга ўз бахт-саодатини юрт ривожининг озод ва ободлиги билан уйғун кўришни англатади¹.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида мустақиллик, озодлик, эркинлик тушунчалари устувор ва етакчи ўринда туради. Бу ғоя Ватан озодлиги барча орзу-интилишларимиз, истиқлолни мустаҳкамлашга доир амалий фаолият кўлами ва йўналишлари учун асос эканлигидан далолат беради. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз учун мустақиллик - ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан куриш ҳуқуқидир».

Халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош мақсади - буюк демократик давлат барпо этишдир. Давлатнинг буюклиги нима билан белгиланади? Давлатнинг буюклиги, аввало, Ватаннинг озодлиги ва ободлиги, инсоннинг комиллиги, халқнинг эркин ва фаровон ҳаёти билан белгиланади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги-умумий тақдир ва келажак, Ўзбекистонда яшайдиган барча фуқароларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашни назарда тутди. Бу соҳада ҳам ҳаётни янада юксак поғонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги ҳаётий, зарурат ана шуни тақозо этмоқда. Ҳар бир кишининг фаровонлиги халқ фаровонлиги ва фаолиятининг асосидир.

Жамиятимиз ижтимоий муносабатлар характериға, давлат ва ижтимоий институтлар жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсириға кўра, фуқаролик мамлакатига айланмоқда. Унда ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллат ва элатлараро ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланмоқда.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси: мустақил ишни ёзишда Президент И.А.Каримовнинг ватан равнақи билан боғлиқ бўлган маърузаларида ва

¹ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 224-246-бетлар.

миллий ғоянинг асосий тушунча тамойиллари ва бошқа асарлардан кенг фойдаланилди.

Мустақил ишнинг мақсад ва вазифалари:

- Ёшлар маънавий камолоти – жамият тараққиётининг муҳим шарти эканлигини тушуниб етиш;
- Ватан равнақи ғоясини тушуниш;
- Ватан равнақи ғоясини халқимиз онгига сингдириш усуллариини ўрганиш;
- Космополитизм ва уни олдини олиш чора-тадбирларини ёритишдан иборат.

Мавзуни ўрганишнинг объекти. Ислон Каримов асарларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда миллий мафкуранинг ўрнини ёритишдан иборат.

Мавзуни ўрганишнинг предмети. Ислон Каримов асарларидаги ватанпарварлик ғояларини ҳамда миллий мафкурани халқимиз онгига сингдириш усуллариини таълим жараёнига татбиқ этишдан иборат

Ушбу мустақил ишдан тарихчилар, файласуфлар ва барча қизиқучиларга фойдаланиш тавсия этилади.

**Ёшлар маънавий камолоти- жамият тараққиётининг
муҳим шарти**

Президентиимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилар экан, шу муносабат билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Президентиимиз ўз маърузасида, “Ёшлар йили” давлат дастурида ўз аксини топиши лозим бўлган барча – барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона ғоя тўғрисида фикр билдириб, “бу ғоя-ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эсаллашини таъминлашдан иборат”¹ деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истиқболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, таълим – тарбия билан боғлиқ масалаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Таълим-тарбия жараёнисиз ёшлар маънавий камолоти тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир халқ, миллат яратган маънавий кадриятлар, унинг дунёга қараши ва ҳаётга муносабати, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, айниқса,

¹ Ислон Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. “Миллий тикланиш” газетаси, 2007 йил, 12 декабр сони

урф-одат ва маросимларда тўлақонли намоён бўлади. Маросимчилик бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради, миллий ўзлиқни сақлашда, ёшларни тарбиялашда, муайян ғояларни руҳиятга сингдиришда катта аҳамият касб этади.

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари ҳам маънавий қадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умумэътироф этилган дир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболини таъминлаш омилидир.

Парижда, ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлаган нутқида Президент Ислам Каримов айтганидек: «Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланган». Аммо юртимизда 70 йил ҳукмронлик қилган собиқтоталитар тузум маккорлик билан ўз асоратига олган халқларнинг буюк ўтмишини авлодлар хотирасидан ўчирмай туриб манфур мақсадларига ета олмаслигини яхши билар эди. Шу сабабли тинимсиз қураш ғоясини ҳаёт маъноси деб эълон қилган «доҳийлар»нинг содиқ шогирд ва издошлари нафақат тирик «душманлар» билан қурашдилар, балки миллатларнинг ўтмиш маънавий мероси билан ҳам тинимсиз «жанг» қилдилар. «Дин - афюн», диний илм пешволари, тасаввуф уламолари «ашаддий реакционер», барча ўтмишдаги ҳукмдорлар - қонхўр, босқинчи (фақат айрим рус подшоҳлари бундан истисно этилди), ўтмиш алломалар - дунёқараши чекланган, шоирлар - маддоҳ ва ҳоказо даъволар қилинди. Бундай қора тамғалар қарамлик асоратига тушган барча халқларнинг бой маънавий меросига босиб чиқилди. Ҳатто уйдан эски араб ёзувида китоб топилган одамлар давлатга қарши жинойтда айбланган даврлар бўлди. Большевиизм мафкурасининг итоаткор қулларига айлантирилган «совет интеллегенцияси»га тирик ва ўлик «доҳийлар»ни мадҳ этиш, «коммунизмнинг биринчи босқичи» деб эълон қилинган большевистик диктатура тузумининг жаҳон тарихида барча макон ва замонлардаги ижтимоий тизимлардан «афзаллиги»ни ҳар қандай усул билан исботлаб ва далиллаб бериш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Ушбу вазифадан заррача чекиниш халққа ва «нурли келажак»га хиёнат деб баҳоланарди.

Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий қадриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида, қайчиланмасдан, «прогрессив-реакцион» аталмиш зўраки қолипларга тикиштирилмасдан тиклана бошлади. Куръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Бурхонуддин Марғиновий, Абу Мансур Мотуридий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа «совет даврида» ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, қанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини

уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, хуррият сари етаклаган жаид алломаларимиз халқидилдан яна муносиб ўрин ола бошлади. «Босмачи» дея ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз кадрларига лойиқ баҳоландилар.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил қилади. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Дастурда шунингдек, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар – бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкор ғоялар руҳида камол топтириш кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс-юқори малакали кадрлар етиштирилмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириб борилаётганлиги – фуқароларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири-билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жаҳатдан ривожлантириш, эгаллаётган касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш каби ўта долзарб ва муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириб бориш – жамиятни янгилаш ва халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратишнинг устивор вазифаси сифатида қаралмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида, - деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов, - 1997 йилдан буён касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланди.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежлари қуриб, фойдаланишга топширилди. 8.7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-лаборатория жихозлари харид қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2006 йилда 61 та янги мактаб куриб, фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди”¹.

Юқорида келтирилган аниқ маълумотлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан ҳаётга жорий қилиб борилаётганлигидан далолат беради. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Узлуксиз таълимни ривожлантириш миллий дастурда белгиланган асосий вазифалардан бири бўлиб, у: умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта махсус, касб-хунар таълимини ва олий таълимни ўз ичига олади.

Унда юқори малакали кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб бориш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда, тинчлик ва ижтимоий барқарорлик, осуда ҳаёт ҳукм сураётган даврда, устозлар талаба ёшлар бунёдкорлик йўлида тинмай изланишлар олиб бориш жараёнида дунёвий илмларни эгаллаб бориши - жамият учун етук кадр бўлиб етишишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат куриш, янгича фикрлайдиган, меҳнатга янгича муносабат билан қарайдиган ёшларни тарбиялаш, миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш йўлидан бормоқда. Албатта бу иш ниҳоятда мураккаблигини, бир қатор қийинчиликларни, айниқса халқимиз онгида замонага мос ўзгариш қилиш лозимлигини кўпчилик тушунади. Бу ўзгаришлар, маънавият билан, маънавий тарбия билан боғлиқдир. Ушбу асарни ўрганиш яна шунинг учун зарурки, унга мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитишда, жаҳон халқларини мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишлар билан таништиришда, халқимизга хос бўлган юксак маънавият беҳуда эмаслигини, унинг мустаҳкам тарихий – фалсафий илдизлари мавжудлигини дунё халқларига тушунтиришда ушбу китоб катта роль ўйнайди.

Мамлакатимиз келажагини, равнақини таъминлашда етук кадрлар тайёрлашда миллий ғоя ва ижтимоий-сиёсий фанларнинг аҳамияти бекиёс даражада ўсмоқда. Чунки, ижтимоий-сиёсий фанлар ҳар бир ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Етук бўлиш ўз соҳасини билимдони бўлиш билан чегараланмайди. Ватанга, миллатга хизмат қилиш учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, корига ярайдиган ёшларгина муносиб кадр бўла олади.

¹ Ислон Каримов. Янгиланиш ва барқарор тарққиёт йўлида янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007 йил, 7-бет.

Келажакда етук мутахассис кадрлар бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соқаларида фаолият кўрсатувчи ёшлар, талаба йигит-қизлар онгида, дунёқарашида миллий ғоя ва ижтимоий-сиёсий билимлар қанчалик чуқур ўрин эгалласа, уларнинг ижтимоий мавқеи шунчалик ортиб боради.

Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган ахборот ҳуружлари авж олаётган бир пайтда, ўқувчи ва талабалар онгига миллий ғояни сингдириб боришдек мураккаб ва ўта маъсулиятли вазифаларни бажариш орқали Ватанга, миллатга муносиб хизмат қила оладиган етук кадрлар тайёрланади.

Агарки, биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олиши ва уни онгли равишда тушуниш ҳамда ғаразли мақсадларга қарши курашга шай бўлиши лозим.

Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз эканини уқтиради.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий ҳаётимизни юксалтиришда **маҳалланинг роли ва таъсири** катта экани қайд этилади, юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятнинг ўзига хос кўзгуси бўлган маҳаллаларга маънавий-маърифий оламимизни юксалтиришда янада кўпроқ имконият бериш зарурлиги қайд этилади.

Ислом Каримов маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – **таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор қаратиб**, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёни таҳлил қилади. У узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини, ўзи шахсан ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида бунга амин бўлганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бу ўта оғир ва масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажариш учун астойдил иш олиб борилганини таъкидлайди.

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикр бугун амалда ўз тасдиғини топаётганини муаллиф мамнуният билан эътироф этади.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга йўлланма олаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоеън этаётган ёш кадрлари мисолида ана шундай орзу-интилишлари бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, «портлаш эффекти»нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, тобора камол топаётган соғлом ва баркамол авлоднинг ҳаётга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

Мухтасар қилиб айтганда, охириги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратгани ушбу асарда ишонч билан таъкидланади.

3. Ватан тақдири менинг тақдирим, Ватан келажаги менинг келажагим ғоясини халқимиз онгига сингдириш усуллари

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги-умумий тақдир ва келажак, Ўзбекистонда яшайдиган барча фуқароларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашни назарда тутди. Бу соҳада ҳам ҳаётни янада юксак поғонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги ҳаётий, зарурат ана шуни тақозо этмоқда. Ҳар бир кишининг фаровонлиги халқ фаровонлиги ва фаолиятининг асосидир.

Жамиятимиз ижтимоий муносабатлар характериға, давлат ва ижтимоий институтлар жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсирига кўра, фуқаролик мамлакатига айланмоқда. Унда ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллат ва элатлараро ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланмоқда.

Миллий истиқлолнинг асосий ғоялари халқимиз мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ўзининг маъно - моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош ғояни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая бошлайди, аста-секин остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилди. Тушунча ва кечинмалар нуктаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватан равнақи ғояси мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт қамоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватан ғоясини амалга оширишда: 1) ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, маҳалланинг мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари муҳим ҳисобланади; 2) ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятни эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш зарур; 3) мулкчиликни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш керак; 4) интеллектуал салоҳиятни ошириш; 5) қонун устуворлигига эришиш, ҳукукий демократик жамият қуриш қабила қиради.

Миллий ғояга садоқат - юксак ватанпарварликда, мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан равнақини таъминлашга шахсий ҳисса қўшиш истагида намоён бўлади. Дунёдаги ҳамма халқларда ҳам меҳмоннавазлик миқёси ва меъёри мавжуд, лекин у ҳар бир халқда турли характерга эга.

Маросимлар, урф-одат ва анъаналар ҳар бир халқнинг бетақдор бойлиги, меросидир. Инсоннинг ҳаёти, у туғилганидан бошлаб, вафот этгунга қадар турли маросимлар доирасида ўтади. Маросимчилик миллатнинг ўзига хослиги ва тарихий тажрибасини сақлаш ва анъаналарни келажакка етказиш воситасидир.

Бугунги кунда биз учун Ўзбекистон истиқлолини асраб-авайлаш, уни сақлаб қолиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига асосланган миллий ғояга таянган ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда зарур. «Миллий ғоя, - деган эди Президентимиз Ислам Каримов, - биринчи навбатда ёш авлоди-мизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур».

Миллий ғоя миллий онг ва тафаккур маҳсули ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши натижасида миллий ўзликни англаш юзага келади. Миллий тафаккур миллат ҳаёт тарзи, хусусиятлари ва фаолияти, унинг мақсадлари ва манфаатлари негизларининг миллий онгда намоён бўлишидир. Барчамиз Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун, ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз даркор. Чунки шу азиз Ватан - барчамизники, ундаги ташвиши ҳам, ғам, ютуқ ва камчиликлар, муваффақиятлар ҳаммамизга тегишлидир.

Эркинлик - кишилар фаолияти билан табиат ва жамиятнинг объектив қонуниятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиши асосида фаолият олиб бориш ва ҳаёт кечириш зарурлигини ифодаловчи тушунча.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, айна пайтда ўз манфаатларини

мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлатиладиган инсонгина миллий ғоямиз тамойилларини тўғри баҳолай олади. **Демократия** (юнон. «demos» халқ ва «kratos» ҳокимият) - халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Демократия асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мутаносиблаштириш, мувофиқлаштириш, муросага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода демократия жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, мамлакат салоҳиятини тараққиёт учун сафарбар қилишга хизмат қилади.

Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида демократиянинг асосий мезонларидан бири бўлган **қонунларни** жорий қилиш муаммоси кенг ёритилган. Форобийнинг фикрига кўра, чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилинаётганида мамлакатдаги барча табақалар, авлодларга, вилоятлар аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик, эркинлик ва фаровонлик келтиришини ҳисобга олади. Қонун турли-туман феъл-атвор ҳамда хислатларга эга бўлган одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур.

Форобийнинг фикрига кўра, саодатга оқиллик ва унга ҳамиша интилиб яшаш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, қонун мустаҳкам рух ва оқил идрок тарбиясига йўналтирилгандагина фаровонлик томон етаклайди. Демак, раҳбар халқ, оммани тарбиялашга, унинг руҳи ва идрокини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоғи зарур.

Бугунги кунда барпо этилаётган жамиятнинг олий мақсадларидан бири инсонларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдир. Жамиятни бошқаришда одамларни фароғотда яшашга имкон берувчи, бирдамликка етакловчи, интизомни шакллантирувчи қонунларни яратиш айна биз кўзлаган мақсадга хизмат қилади. XX аср бошларида озод юрт қайғусида яшаган Абдулла Авлоний фикрича, «Ҳар бир мамлакатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати - ёшларнинг яхши тарбиясига боғилқдир».

Форобий ва Авлоний турли даврларда яшасада, одамларни эркин ва фаровон жамиятга **тарбия орқали** етказишга даъват қилганлар.

Форобий фикрига кўра, фозил жамият аҳолисининг назарий қарашлари ва амалий ишларига нисбатан бегона ғоялар аста кириб олиб, уларнинг қарашларини ўзгартириб юбормаслиги керак. Зеро, инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлсаю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирилмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлсада, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ноўриндир.

Умуман, **фаровон жамият ғояси** мустақил ва барқарор тараққиёт йўлига қираётган жамиятлар учун икки ҳисса қадрлидир. Унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига улкан эътибор берилаётганлиги табиийдир. Зеро, мамлакатимизда фаровон, илғор жамият **барпо этиш - мақсад**, амалга оширилаётган ислохотлар - **восита** бўлиб, жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўз навбатида, ислохотлар учун **шарт-шароитдир**. Қадимги юнон файласуфи (мил.авв.

384-322) Арасту фикрича, «мақсад эмас, балки унга етиш воситалари ҳал қилувчи ўринни эгаллайди».

Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги маърузасида «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир» деган эди.

Президент Ислом Каримов «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясини 1998 йилда «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда кўтарган эди. Миллий истиқлол ғояси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғун бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам комил инсонни тарбиялашга қаратилган. «Бешинчидан, деган эди юртбошимиз, - биз фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу мақсад дастлабки, аммо муҳим қадам қўйилди.

Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ётириш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовларидан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга онгли, тафаккур ҳам ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз».

Президент Ислом Каримов «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясини кейинчалик «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида ривожлантирди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини белгилаши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар - партиялар, нодавлат ва жамоат бирлашмаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ - жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Сўнгги беш йил ичида жамоат бирдлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, бугун (1999) уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда». (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 22-б.)

Ана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг негизини куйидаги устувор вазифалар ташкил этади:

1. Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб - авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

2. Иккинчи устувор йўналиш. Бу - мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

3. Учинчи устувор йўналиш. Бу - бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

4. Энг муҳим устувор йўналиш - бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамо-йилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир. Оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмоғи лозим.

5. Бешинчи устувор йўналиш - фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу - «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. «Адолат қонун устуворлигида» амалга ошади.

6. Олтинчи устувор йўналиш - бу суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар.

7. Еттинчи устувор вазифа - бу барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ўзида назарда тутганлигини яна бир бор баён этди. Бунда нималар назарда тутилади?

1. «Авваламбор», ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш. **Яна бир муҳим вазифа** - ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим.

2. Иккинчидан, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш...

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир».

4. Ватанпарварлик ғоясини халқимиз онгига сингдириш усуллари

Озод ва Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат бўлган бош ғоямиз, пировард мақсадимиз қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олади:

1. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясининг негизларини.
2. Миллий ғоя - эркин ва фаровон ҳаёт қуриш омили сифатида.
3. Жамият барқарорлиги - эркин фаровон ҳаёт қуриш омили.
4. Ўрта ижтимоий қатламнинг шаклланиши ва фаровон ҳаёт қуришнинг ўзаро алоқадорлиги.
5. Одамларнинг турмуш даражаси ва фаровон ҳаётнинг боғлиқлиги.
6. Эркинлик ва тараққиёт ғояларининг муштараклиги.
7. Ёшлар - эркин ва фаровон ҳаёт бунёдкорлари.

Президент Ислом Каримов жамиятнинг демократлашувини узоқ муддатли жараён сифатида баҳолайди, демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушуриш билан уни одамларимиз ҳаётига сингдириб бўлмаслигини уқтиради.

Демократик жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиёти омилига айлантириш учун адолатли жамият орзуси йўлида инсоният тўплаган тажриба ва амалиётни ўзлаштириш зарур. Бунда шарқона демократия тамойиллари таянч бўлиб хизмат қилади. Аммо, инсон табиати зиддиятлидир. У бошқалар интилишларига тескари бўлган интилишларга эга бўлиши ва шу вақтнинг ўзида ўзгалар билан ҳамкорликка мойил бўлиши мумкин. Инсон табиатига хос ана шу қарама-қаршилик унинг жамиятдаги ҳаёти ва хатти-ҳаракатларини ҳам белгилайди. Одамлар **бир томондан** шахсий эркинликка интилсалар, **иккинчи томондан** ижтимоий тенгликни талаб қилишга мойил бўладилар. Одамлар ўз манфаатларини кўзлашлари билан бирга умумижтимоий манфаатларга ҳам интиладилар. Ана шу шахсий ва жамият манфаатларини қандай мувофиқлаштириш мумкин? Жамият бу

муаммонинг ечимига демократия механизмларини ишга солиш орқалигина бажариши мумкин. Демократия доимий кутб: **«зиддият - келишув - бирдамлик»** орқали ўзига йўл очар экан, кишиларнинг ўзаро розилиги, келишувига таянади. Демократия бу ёлғиз ўз мақсад ва талабларини амалга ошириш воситаси бўлмай, балки ўзаро манфаатларнинг мақбул қоидаларига риоя этишдир. Умуминсоний, хусусан, демократик кадриятларга таянган миллий истиқлол ғояси ана шу кутбий интилишларни мувофиқлаштириш орқали умумий манфаатларни ўзида ифода этади.

Ёшлар - эркин ва фаровон ҳаёт бунёдкорлари. Президент Ислом Каримовнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган чақириғининг заминида бой мазмун мужассамлашган. Бунда бугунги ютуқларимиздан фахр туйғуси ҳам, эркин бунёдкорлик фаолиятига чорлов ҳам, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч ҳам ўз ифодасини топган. Аслида бу ёшларимизга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат, уларнинг куч ва имкониятларига катта ишончни англатади. Ёшларни жисмонан бақувват маънан баркамол, ақлан юксак, рухан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилди. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишдан тўғри, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришгача бўлган барча кенг миқёсдаги ислохотларнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

Комил инсон азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун, касб этган. Тасаввур (сўфийлик) таълимотида инсон рухий камолотга эришишининг асосий йўналиши-йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблайди: 1) шарият; 2) тариқат; 3) маърифат; 4) ҳақиқат.

Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида, айниқса теран ифода этилган.

Аслида **комил инсон**, бу - тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир. Воиз Кошифай «Футувватномаи султоний» асарида тасаввуфнинг комилликка дахлдор биноси ўнта асосга қурилгани айтилади: 1) илм; 2) ҳилм; 3) тақво; 4) саҳо; 5) шукр; 6) сидқ; 7) вафо; 8) ризо; 9) сафр; 10) ишқ.

Президентимиз Ислом Каримов фикрича, «Ҳар қандай инсоннинг энг мўтабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади - соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар тамонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат».

«Комил инсон деганда биз, - деган эди И.А.Каримов, - аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди...»¹.

¹ Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 134-бет.

«Яшаш қаерда яхши бўлса, шу ер мен учун Ватан» ғоявий қарашида ҳақиқий ватанпарварлик туйғуси мужассам эмаслигининг сабаби: 1) «яшаш»-дан маъно ва мақсад фақат яхши еб-ичиш, роҳат ва фароғатни ўйлаш, ўзи учун «барча қулайликларга» эга бўлган «хузур-ҳаловатдангина» иборат эмас. Бунда яшашдан мақсад белгиланмайди; 2) бундай тоифа одамлар, ҳақиқий Ватан туйғусини англамайдилар ёки англашдан йироқ. «Ватан учун чала иш қилиб бўлмайди». Бундай одамлар «бахт», «саодатни» фақат моддий нарсаларда кўрадилар. Моддий бойликка эга бўлишни бахт деб тасаввур қиладилар. Ҳақиқий бахтни, моддий ва маънавий бойликни ўзида уйғун мужассам эта олган одамгина аниқ ва мукаммал ҳис эта олади.

Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. “Мажбурий яккафикрлаш” даври деб аташ мумкин бўлган бу паллада оммавий ахборот воситаларида ҳаёт фақат ёрқин бўёқларда тасвирланиб, муаммолар ҳақида гапирилмаган эди. Чунки ўша пайтда муаммолар ва иллатлар ҳақида гапириш – коммунизм сингари “бенуқсон” ва “мукаммал” тузумга халқнинг ишончини пасайтириб юбориши мумкин эди. Яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафкура ва яккафикрлаш сиёсати ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қилар эди. Барча журналистлар собиқ Марказдаги “мутассадди раҳбарлар”нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди. Афсуски, шу даврларни бошдан кечирганмиз, лекин минг афсуски, айрим кишилар ишга ана шундай ёндашишдан хали-хануз воз кеча олмаяптилар, ўша даврлардан қолган айрим эски қолип ва андозалардан қутула олмаяптилар.

Ҳаётийлик - бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаб. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини чамалаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат зарар келтириши

мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим.

5. Космополитизм ва уни олдини олиш

Космополитизм – «жаҳон давлати» тузишни ва «жаҳон фуқаролиги»ни тарғиб қилувчи таълимот. «Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун-моҳият бахш этадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан – ота-боболаримизнинг ҳоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас заминдир»¹.

Космополитизм жаҳон миқёсида ахборот айирбошлаш имкониятлари ошиб бораётган ҳозирги даврда «Ватан» тушунчаси нисбий характерга эга эканини рўқач қилади. Бу оқим жамият тараққиётининг дастлабки, инсон ижтимоий-оилавий муҳитдан ташқарида яшаши мумкин бўлмаган даврларида «Ватан» тушунчаси муайян аҳамиятга эга бўлмаган, деб уқтиради. Унингча, бугунги кунда айрим инсонларнинг Ватанга боғланиб қолиши шахс эркинликларининг чекланишига олиб келмоқда эмиш. Айни пайтда, космополитик қарашлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларнинг глобаллашув жараёни Ватан туйғусини глобал миқёсда тасаввур қилиш имконияларини беради, деган назарияга ҳам асосланишини таъкидлаш зарур.

Ҳақиқатда эса Саҳрои Кабирда яшаётган бадавийлар ҳам, экологик вазияти ниҳоятда оғир ҳудудларда яшаётган кишилар ҳам, миллатидан қатъи назар, паспортига «америкалик» деб ёзилган кишилар ҳам ўзлари яшаётган табиий-ижтимоий муҳит – Ватан туйғусига эга бўлган, унинг дахлсизлигини муқаддас билган бизнинг замондошларимиздир. Айтиш мумкинки, Ватан туйғуси – инсон маънавий камолотининг энг муҳим мезони бўлиб ҳисобланади. Ватанга муҳаббат инсон маънавиятини шакллантирувчи омиллардандир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Инсон ўзлигини анлагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Инсон бирор жисмоний касалликка чалинса, унинг олдини олиш, даволаш мумкин. Миллат маънавиятининг заифлиги, унинг характеридаги хафсаласизлик, бефарқлик, ғайратсизлик, ўзаро ички муносабатларда алдамчилик, қўполлик, жоҳиллик, худбинлик, ялқовлик ва бошқа нуқсонларда намоён бўлади. Демак, ҳозирги ўзимизни ўзимиз баркамол қилишимизга тўсқинлик қилаётган маънавий жароҳатларимизни даволашимиз учун масалага аниқ, яъни реал миллий характерни ўрганиш ва ўзгартириш омили сифатида ёндошмоғимиз зарур.

¹ Миллий ғоя: тарғибот таҳнологиялари ва атамалар луғати.- Т., Академия, 2007, 176-бет.

Натижада миллатнинг ўз аҳволига ўзининг муносабати, ижобий жиҳатларни ошириш ва қусурларни маърифий йўл билан даволаб, кучлантириб, жаҳоннинг илғор миллатлари сафига қўшилиши мумкин.

Жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат бахт саодати йўлида, демак ҳар бир фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи махсус фаолият - мафкуравий тарбия ётади. Мафкуравий тарбия деганда гап, «кишилар дунёкарашини бошқариш ҳақида эмас, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш»ни ҳам англатади.

Мафкуравий тортишувларда таҳдид солувчи ҳам, ўзини ҳимоя қилувчи ҳам - ғояни оммалаштириш услубларидан фойдаланади. Бу - мафкуравий тарбия услубларидир. Демак, қайси томоннинг енгиллигини пировард натижада илмга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар тортишуви - тарғибот ва ташвиқотлар тортишувига айланади, дейиш мумкин. Шу сабабли «Миллий истиқлол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиш учун қатор талабларга жавоб бериши зарур. Ана шундай талаблардан бири - ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олишидир.

Жамиятга ёт мафкуралар ўз ғояларини бирданига олиб кира олмайди. Улар аввало маҳв қилиниши керак бўлган миллат азалдан ишониб келган нарсаларга ишончини, умидини сўндиради. Бунинг учун миллат ишониб келган нарсалар ёмонланади, обрўсизлантирилади. Натижада мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади - миллат ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ муносабатда бўла бошлади. Азалий қадриятларга амал қилинмай қўйилади, одамларда уларга амал қилмаётганларга лоқайд муносабат урф бўлади. Қадриятлар, ғоялар қадрсизланади, аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Бўшлиқ ана шундай яратилади, «очиқ олинади».

Мафкуравий бўшлиқ очиб олинган, энди унинг ўрнини тўлдириш ўз ғоясини жозибали тасвирлай бошланади. Бузғунчи ғояга хос «янгилик» ва у бераётган ваъдалар одамлар қулоғи ва кўзи орқали онг ва қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдира бошланади. Ёлғон ғоя одамлар онгига кирса, у ҳам катта кучга айланади.

Президент Ислом Каримовнинг «80-йилларнинг охирида мамлакатимизда ўзини «дўст», «диндош», миллатдош қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келди... Жуда «чиройли даъват»лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга эришди ҳам. ... улар дин инқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси экани ошқора бўлди...», деган фикрларини эслаш ўринлидир. Бу ўғитлар бизни нафақат огоҳликка, балки мафкуравий кураш майдонига чорламоқда. Бу курашда бизга ота бобларимизни кўриб, синаб айтган ҳикматлари ҳам қўл келади.

Хулоса

Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая бошлайди, аста-секин остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилди. Тушунча ва кечинмалар нуктаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватан равнақи ғояси мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт қамоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватан ғоясини амалга оширишда: 1) ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, маҳалланинг мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари муҳим ҳисобланади; 2) ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятни эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш зарур; 3) мулкчиликни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш керак; 4) интеллектуал салоҳиятни ошириш; 5) қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш қабила қиради.

Эркин ва фаровон ҳаёт - одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маънавий неъматларга эркин тарзда, ўзларининг бор қобилиятлари ва имкониятлари эвазига эришишидир.

Эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг қуйидаги 3 омили ҳам мавжуд:

1) Демократик қадриятлар эркин ва фаровон ҳаёт кўришнинг биринчи омили. Президент Ислом Каримов жамиятнинг демократлашувини узоқ муддатли жараён сифатида баҳолайди. Демократик ғояларни шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириш билан уни одамларимиз ҳаётига сингдириб бўлмаслигини таъкидлайди. «Демократия, - деган эди Президентимиз Ислом Каримов, - жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир». (Қаранг: Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 160-бет).

2) Жамият барқарорлиги, барқарор тараққиёт - эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим қадриятларидан биридир. Мамлакатимизда барқарор тараққиёт унинг асосий омиллари ва шартларини Президент Ислом Каримов

«Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида» асарида барқарор тараққиётни маълум бир шартлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил этади. Булар:

- а) маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши;
- б) давлатчилиқни шакллантириш ва муҳофаа қобилятини мустаҳкамлаш;
- в) демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш;
- г) бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши;
- д) кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши (Қаранг: Каримов И.А. Асарлар. Т.6. 125-190-бетлар).

3) Ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш - фаровон ҳаёт қуришнинг учинчи омили, ҳамда фуқаролик жамиятининг таянчи ҳамдир. Ўрта қатлам бу ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган. Ўзини ва ўз оиласи ҳаётини муносиб тарзда таъминлай оладиган, ўзининг ва оила аъзоларининг фундаментал эҳтиёжларини (таълим олиш, дам олиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш) қондириш учун етарли моддий имкониятлари мавжуд бўлган ва энг муҳими - бу имкониятни ўз иш ҳақи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган ҳамда фаол равишда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этадиган фуқаро-лардир.

Жамиятнинг айнан ўрта қатлами миллий бойлиқнинг асосий қисмини яратади, давлат қарамоғида боқимандаларча кун кечирмайди ва жамиятнинг «умуртқа суяги»ни ташкил этади. Бундай қатламнинг шаклланиши, шунингдек жамиятнинг кескин табақалашувига - ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал, қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймайди. Жамиятда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, фуқаролар бирдамлигини таъминлаш асосида умумий адолатни ўрнатишнинг энг синалган воситаларидан бири ҳам жамиятда ўрта қатламни барпо этиш эканлигини шундан кўrsa бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. «Ўзбекистон», 2003, 4-13-бетлар.
2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. -Нукус: Қорақалпоғистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. 31-40, 125-135, 149-162-бетлар.
4. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. 84-102-бетлар.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 489-508-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интиломда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 6-12, 14-26, 28-38, 47-48-бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 462-467-бетлар.
8. Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 70-98-бетлар.
9. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-224-бетлар.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003. 320-бет.
11. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч - қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. 243-275-бетлар.
12. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. 285-312-бетлар.
13. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. 313-337-бетлар.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. -528-бет.
15. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. -Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. -400-б.
16. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. -160-б.

- 18.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96-б.
- 19.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., маънавият, 2008.
- 20.Ислом Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. “Миллий тикланиш” газетаси, 2007 йил, 12 декабр сони.
- 21.Ислом Каримов. Янгилаш ва барқарор тарққиёт йўлида янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007.
- 22.Абдулла Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». -Т.: «Шарқ», 1994. 71-90-бетлар.
- 23.Мирзо Улуғбек. «Тўрт улус тарихи». -Т.: 1996. 49-61-бетлар.
- 24.Фитрат. Нажот йўли. -Т.: «Шарқ», 2001. 54-71-бетлар.
- 25.Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. -Т.: «Шарқ», «Академия», 2001. 59-98-бетлар.
- 26.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 150-171-бетлар.
- 27.Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005, 226-245-бетлар.
- 28.Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: «Янги аср авлоди» 2002. 192-б.
- 29.Бекмуродов А.Ш. Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. - Т.: ТДИУ, 2005. - 44 б.